$$\eta = \frac{E_x - E_g - \Delta E_E}{U_s} \cdot 100, \quad (3.124)$$

бунда:

ΔE_E — даражалаш жадвали бүйича иссиқлик ўлчаш жуфтлигининг эркин учлари ҳароратига мос келадиган ЭЮК, янын ΔE_E бу иссиқлик ўлчаш жуфтлигининг соңынч учлари жойлашган ҳарорат учун тузатмалыр, мВ;

E_x — берилган иссиқлик ўлчаш жуфтлигининг даражалаш жадвалидан олинган ўлчанадиган ЭЮК нинг ҳакиқий мати ($E_x = E_g$), мВ.

IV. Ўлчовшунослик назариясидан ҳароратларни ўлчаш бүйича асосий маълумотлар

Электр усули билан ўлчанадиган ноэлектрик катталиклардан амалда энг кўп учрайдиганиларидан биринчий ҳароратни ўлчашдир.

Ҳарорат деб, жисмнинг иссиқлик ҳолатини ифодалопчи физик катталикка айтилади. Борди-ю, жисмнинг иссиқлиги ўзгарса, у холда бундай жисмнинг хоссаси ҳам ўзгаради. Масалан, жисм иссиқлигининг ўзгаришинунг ҳажми, электр каршилиги, электр занжирининг ёпик контурида эса иссиқлик ЭЮК, нурланишининг жадаллашиши ва бошқа ўзгаришларга олиб келади. Жисмларининг бундай хоссалари ҳароратларни ўлчаш учун кўлланиладиган ўлчаш ўзгарткичлари ва асбобларининг яратилишида асос килиб олинган. Шунинг учун ҳам ҳароратни ўлчаш учун ишлатиладиган асбоблар уларда кўлланилган физик хоссаларга караб куйидаги турларга бўлинади:

а) Кенгайиш иссиқлик ўлчагичлари бу турдаги асбоблар жисмларининг кенгайиш хоссаларига асосланган бўлиб, уларда иссиқлик таъсирида ҳажм ўзгаради, янын жисмнинг чизикли ўлчами ўзгаради. Бундай асбоблар $-200 \div +500^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳароратни ўлчаш учун кўлланилади.-

б) Манометрик иссиқлик ўлчагичлар. Бу турдаги асбоблар ёпик ҳажмга эга бўлган идишлардаги газ, суюқлик ёки буғ босимларишиниг иссиқлика боғлиқ холда ўзгаришига асосланадигандир. Бу турдаги асбоблар $-120 \div +650^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳароратларни ўтчашиб учун кўлла нилади.

в) Иссиклик үлчаш каршилики асбоблар. Бу турдаги асбобларда күлланилган үлчаш үзгарткичлари, иссилик үлчаш каршиликлари үтказгич ва яримұтказгичларла иссилик таъсирида электр қаршиликларининг үзгаришига асосланған. Бу турдаги үлчаш асбоблари — $200 \div +650^{\circ}\text{C}$ гача бұлған ҳароратни үлчашда ишлатилади.

г) Иссиклик үлчаш жуфтликли асбоблар. Бу турдаги асбобларда күлланилган үлчаш үзгарткичлари, яғни иссилик үлчаш жуфтликлари хар хил иссилик электродларининг уланған жойининг иссиклиги үзгартганда уларда ЭЮК хосыл бўлишига асосланған. Бу турдаги асбоблар, яғни иссилик үлчаш жуфтликли ҳарорат үлчаш асбоблари — $50 \div +2000^{\circ}\text{C}$ гача бўлған ҳароратни үлчашда фойдаланилади.

д) Пирометр (оловулчагич). Бу турдаги ҳарорат үлчаш асбобининг ишлаш асослари жисемларининг иссилик таъсирида нурланышларини үлчашига асосланған. Пирометр жуда катта чегарадаги, яғни $+800^{\circ}\text{C}$ дан то 6000°C гача бўлған ҳароратни контактсиз усуlda үлчаш учун күлланилади.

Бу юқорида келтирилган ҳарорат үлчаш асбобларининг амалда күлланилаётган бошка кўплаб турлари мавжуд; кўш металли иссилик үлчагичи ана шулар жумласидандар. Аммо бу турдаги үлчаш асбоблари үлчаш аниқликларига нисбатан кўйилган талаб уччалик катта бўлмаган жойлардагина ҳароратни үлчаш учун фойдаланилади.

Юқорида номлари келтирилган ҳар хил турдаги ҳарорат үлчаш асбобларидан иссилик үлчаш қаршилики ва иссилик үлчаш жуфтликли үлчаш үзгарткичларига эга үлчаш асбоблари үлчаш техникасида ҳароратни аниқлаш учун кеңг микёсда күлланилмокда. Шунинг учун ҳам қўйида мана шу иссилик үлчаш қаршилики ва иссилик үлчаш жуфтликли үлчаш үзгарткичларининг ишлаш тартиби ҳамда кўллапиш доирасини кўриб чиқамиз.

1. Иссиклик үлчаш қаршиликлари. Иссикликларни үлчаш учун қўлланиладиган үзгарткичларидан иссилик үлчаш қаршиликларининг (ИҮҚ) ишлаш асослари үтказгич ва яримұтказгичлариниң ҳарорат үзгаришига монаанд равишда уларниң электр қаршиликлари үзгаришига асосланған бўлиб, улар мис ёки платинадан тайёрланған, ингичка симлардан асос (каркас)га бифиляр килиб үралған ва гилоф ичига жойлаштирилган қурилмадан иборатдир. Бу иссилик үлчаш қаршилигининг 0°C даги

Каршилигини билган холда, унинг каршилигини ўлчаб у жойлашган мухит хароратини аниклаш мумкин. ИЎҚ нинг сезувчаниниги бу иссиқлик ўлчагич тайёрланган модда каршилигининг иссиқлик ўзгармас кўнайтиувчиси оркали аникланади. Масалан, платина симидан тайёрланган ИЎҚ ўзгарткичининг каршилиги харорат 1°C га ўзгарганда тахминан $0,36\%$ га ўзгаради. ИЎҚ тайёрланган ашёшин электр каршилиги билан харорат орасидаги багланниши кўйидаги ифода ёрдамида курсатиш мумкин:

$$R_t = R_0(1 + \alpha t), \quad (3.12.5)$$

бунда:

$$R_t = \text{симидан } t \text{ хароратдаги каршилиги} \quad (R_t = R_0), \text{ Ом};$$

$$R_0 = \text{симидан } 0^{\circ}\text{C} \text{ хароратдаги каршилиги}, \text{ Ом};$$

α — каршиликнинг харорат ўзгармас кўпайтиувчиси, масалан, мис учун $\alpha_{\text{м}} = 4,28 \cdot 10^{-3} 1/{^{\circ}\text{C}}$; платина учун $\alpha_{\text{п}} = 3,94 \cdot 10^{-3} 1/{^{\circ}\text{C}}$.

Платинадан ясалган симни 0°C дан то 500°C гача киздирилганда унинг электр каршилиги тахминан уч мартаға якни ортса, мис симни 0°C дан 100°C гача киздирилганда унинг электр каршилиги факат 1,5 баравар кўпаяди.


Иссиқлик ўлчаш каршилиги диаметри 0,07 мм платина симидан ёки диаметри 0,1 мм мис симидан тайёрланган сезувчан элементдан иборатdir. Тасодифий бузилишидан саклаш учун ИЎҚ нинг сезувчан элементлари мудофаи гилофига жойлаштирилади. ИЎҚ нинг юкори кисмida эса уларни ўлчаш асбобларига улаш учун мўлжалланган кўйма алюминидан иборат улаш кисми мавжуд.

Мис симидан тайёрланган ИЎҚ асосан -50°C дан то $+180^{\circ}\text{C}$ гача хароратни ўлчаш учун қўлланса, платина симидан тайёрланган ИЎҚ эса -200°C дан то $+650^{\circ}\text{C}$ гача бўлган хароратни ўлчаш учун ишлатилади.


Андоза ИЎҚ лар сезувчан элементларининг каршиликлари 0°C да мис симидан тайёрланганда 53 Ом ва 100 Омни платина симидан тайёрланганда эса 10,46 Ом ва 100 Омни ташкил этади. Сезувчан элементларнинг 0°C даги каршиликларига караб ИЎҚ беш хил андоза даражасига бўлинади ва кўйидагича белгиланади: 20, 21, 22, 23 ва 24. ИЎҚ лари учун ўлчаш асбоблари сифатида мувозанатланувчи ўлчаш кўприклари ва логометрлар қўлланилади. Яримўтказгични иссиқлик каршиликлари учун эса ўлчаш асбоби сифатида мувозанатланмайдиган ўлчаш кўприкларидан фойдаланилади.

2. Иссиқлик ўлчаш жуфтликлари. Ҳар хил моддалардан ясалган икки ўтказгични киздириб, бир-бирига тегизганда улардан биринчисида эркин электронлар,

иккинчисидагига нисбатан ҳажм бирлигіч артқы бүлганиң чуп бу электронлар бириңчи үтказгичдан иккинчи үтказгичга үтады. Шундай килиб, бириңчи үтказгич үсбат заряд билан, иккинчи сәс манфий заряд билан ириялдана бошлайды. Иссиклик үлчаш жуфтлигининг арорати үлчанадиган мұхитта үрнатыладиган, яғни ҳар үш турдағи иккі үтказгичнің бир-бірінде уланган жойи — ии иссиклик үлчаш жуфтлигининг ишчи кисмі ёки иссикланма кисмі дейилади. Иссиклик үлчаш жуфтлигининг иккінчи уланган кисмі 2 ни эса әркін учлари ёки совукланма кисмі дейилади.



3.12.4- расм. Иссиклик үлчаш жуфтлигінің электр тархи.



3.12.5- расм. Иссиклик үлчаш жуфтлигінің электр занжирига үлчаш асбобини улаш тархи.

Иккі хил моддалан ясалған үтказгич А ва В лардан ташкил топған иссиклик электр занжирида (3.12.4- расм) ҳар хил ҳароратда уларнинг уланмаларида түрт хил иссиклик ЭЮК қосыл бўлади:

- 1) Ҳарорат t га эга бўлган А ва В үтказгичларининг уланган жойидаги иссиклик — ЭЮК;
- 2) Ҳарорат t_0 га эга бўлган А ва В үтказгичларининг уланган жойидаги иссиклик — ЭЮК;
- 3) Үтказгич А даги иссиклик — ЭЮК;
- 4) Үтказгич В даги иссиклик — ЭЮК.

А ва В үтказгичлардан ташкил тонған ёник занжирдаги иссиклик — ЭЮК ларининг йығындасы иссиклик үлчаш жуфтлигини уланган жойлари t_0 ва t гача қиздирилганда куйидагича аниқланади:

$$E_{AB(t,t_0)} = E_{AB(t)} + E_{BA(t_0)}, \quad (3.12.6)$$

бунда:

$E_{AB(l_0)}$ — занжирдаги йигинди иссиклик ЭЮК;
 E_{AB} ва E_{BA} — ўтказгичларнинг улашган жойлари
хосил бўладиган натижавий иссиклик ЭЮК.

Занжирдаги йигинди иссиклик ЭЮК ҳар хил ҳарорат
эга бўлган иссиклик ўлчаш жуфтлигининг улаш
жойларида вужудга келган натижавий иссиклик — ЭЖ
ларнинг айримасига тенг.

Иссиклик ўлчаш жуфтлигининг улашган жойларида
бирининг ҳарорати ўзгартирасдан ушлаб турилса, мав
лан, $I_0 = \text{const}$ бўлса, $E_{AB(l_0)} = f(I) = \text{const}$ ёки $E_{AB} = f(I)$
га эга бўламиз. Шундай килиб, қаралаётган иссиклик
жуфтлиги учун даражалаш йўли билан иссиклик ўлчаш
жуфтлиги ЭЮК билан ҳарорат орасидаги боғланшини
аниқлаш мумкни.

Иссиклик ўлчаш жуфтлигининг ЭЮК лари унча катта
эмас, чунки ҳарорат 1°C га ўзгарганда бу ЭЮК
 $0,01 - 0,06$ мВ ни ташкил этади. Аммо бу ЭЮК микло
жиҳатидан унча катта бўлмаса ҳам ўлчаш асбоблари
яъни милливольтметрлар ёки потепциометрлар ёрдамида
ўлчаш учун етарлидир. Лекин иссиклик ўлчаш жуфтликлари
ни ўлчаш асбобларига улаш учун уларнинг электр
занжирларини ишлаб чикиш талаб қилинади. Мана
шундай иссиклик ўлчаш жуфтлигини ўлчаш асбобига
уланишини кўрсатувчи электр занжирни 3.12.5-расмни
келтирилган. Бу расмдаги электр занжирига караб шундай
айтиш мумкники, иссиклик ўлчаш жуфтлигига учта
уланган кисми мавжуд булиб, улардан бири, яъни 1-уч
иссик, 2 ва 3-учлари эса совук учлар хисобланади.
Иссиклик ўлчаш жуфтлигининг бу учларидан 2 ва
3-учлари ўзгармас ва бир хил ҳароратда бўлиши керак.

Мавжуд иссиклик ўлчаш жуфтликлари бир-биридан
иссиклик электродлари билан фарқ қилгандиги учун улар
уюлчаш чегаралари билан ҳам бир-бириларидан фарқ
қилади. Ҳозирги вактда андоза бўйича иссиклик ўлчаш
жуфтликларининг хромель-копелли (ХК), хромель-алю
мелли (ХА), платинородий-платинали (ПР — I), платино
родили (ПР — 30/6) турлари ишлаб чикилмоқда ва улар
андоза бўйича даражаланишларга эга.

3. Автоматик ўлчаш кўприги. Автоматик ўлчаш
кўприги ўлчаш параметрларини қаршиликларга айланти
риб берадиган ҳар хил ўлчаш ўзгарткичлари билан
ишлайдиган асбоб булиб, у кўпинича иссиклик ўлчаш
каршиликлари билан ишлаганда иккиласи асбоб вазифа
сини ўтайди. Автоматик ўлчаш кўпригининг ўлчаш

күпприги тархи R_3 , R_4 ва R_2 резисторларга эга учта елқадан тоғулчанадиган қаршилик R_t дан иборат тўртичини елка имда ростланувчи қаршиликка эга бўлган реохорд R_p шудан иборатдир. Ўлчаш кўпприги тархининг а ва нуқталарига кўпприкин электр энергияси билан таъминловчи манба уланган.

Ўлчаш кўппригига иссиклик ўлчаш қаршилиги R_t учимли тарх бўйича уланган, чунки бундай усулда улаш пашки мухит таъсирида улаш симлари қаршилиги ўзгаришидан ҳосил бўладиган ҳарорат хатолиги қийматининг камайишига олиб келади.

Ҳарорати назорат қилинадиган жойни ҳарорати ўзгаргандага иссиклик ўлчаш қаршилигининг қаршилиги ўзгарамди ва окибатда ўлчаш кўпприги ўлчаш тархининг мувозанати бузилади. Пировардида ўлчаш кўпприги тархининг b_d диогоналида чиқиш ишораси найдо бўлади, бу ишора кучайтиргич (1) ёрдамида кучайтирилиб, реверсив двигател (2) га берилади. Реверсив двигатель РД ўз навбатида ростланувчи қаршиликка эга бўлган реохорд R_p нинг кўзгалувчи кисмини у ёки бу томонга, то ўлчаш кўпприги тархи мувозанатлашмагунча, яъни тархининг b_d диогоналидаги ишора нолга тенг бўлгунга қадар силжитади. Реверсив двигатели реохорд R_p нинг кўзгалувчи кисми билан бир вактда яна автоматик ўлчаш кўппригининг кўрсатувчи (3) ва қайд килувчи (4) кисмлари билан ҳам боғланган. Ўлчаш кўппригининг тархи мувозанатлашганда автоматик ўлчаш кўппригининг мили ўлчанаётган ҳарорат Г_у нинг қийматини кўрсатади.

Хозирги вактда ишлаб чиқилаётган автоматик ўлчаш кўпприкларининг ўзиёзар турлари ЭМП, ЭМД ва кўрсатувчи ЭМВ турлари мавжуд. Автоматик ўлчаш кўпприклири яна биратуласига бир нечта нуқтадаги (жойдаги) ҳароратни ўлчаш ва ёзиб олиши сонига караб бир нуқтали ва кўп нуқтали (3, 6, 12 ва 24 нуқтали) автоматик ўлчаш кўпприкларига бўлинади. Ўлчаш натижаларини ёзиб берадиган диаграммаларининг шаклинига караб, тасма диаграммали автоматик ўлчаш кўпприкларига (ЭМП ва МС турлари) ва лашпак диаграммали автоматик ўлчаш кўпприкларига (ЭМД тури) бўлинади.

4. Автоматик потенциометрлар. Автоматик потенциометрлар андоза даражаланишга эга бўлган иссиклик ўлчаш жуфтликлари билан ва нурланиш (радиацион) пиromетрлар билан биргаликда ҳароратни ўлчаш, қайд килиш ва ростлаш учун кўлланилади. Автоматик потенциометрлар яна ҳар хил турдаги физик катталикларини ўзгармас ток ва кўчланишларга айлантириб берадиган

үзгарткічлари учун иккіламчи үлчаш асбоблари сифаты да ҳам ишлатилади.

Хозирги вактда саноатимизда бир нұктали (нұкталы) автоматик потенциометрлар ишлаб чиқарылмокта. Бундай автоматик потенциометрларда бу асбобни үлчаш жойига (нұктасига) уланып учун мұлжалланған алмашлаб-улагич билан таъминлашып мана шу алмашлаб-улагич тутқишини құл билан бурип хохлаган жойдаги (нұктадаги) ҳароратни үлчаш (ЭПП туридаги асбоб) ёки бу вазифаны автоматик равишта бажариш ҳам мүмкін. (ЭПП, ПСР туридаги асбоблар.)

Автоматик потенциометрнің соддалаштирилган тарұн 3.12.2-расмда көлтирилған бұлып, үлчаш тархини күйматы бүйіча үзгармас бўлған ишчи ток билан таъминлаши учун күпrik шаклидаги тархнинг ас диагоналига барқа рорлаштирилған таъминлаш манбаи (БТМ) уланған.

Үлчаш тархининг иккінчи бөлди диагоналидан күпrik шаклидаги тархнинг ўринин қопловчи (компенсациеловчи) ЭЮК E_x олинади ва бу ЭЮК иссиқлик ЭЮК E_x билан таккосланади. Борди-ю, ЭЮК лар ўзаро теш бўлишмаса, уларнинг фарқи ΔE ҳосил бўлади ва у куйидаги ифода билан аинкландади:

$$\Delta E = E_x - E_{x_0}. \quad (3.12.7)$$

Бу ЭЮК ларнинг фарқи ΔE үзгармас ток кучайтирги чи ЎТК ёрдамида кучайтирилиб, реверсив двигателега берилади. Реверсив двигатели РД ўз навбатида реохорд R_p нинг қўзгалувчи кисмими то ЭЮК ларнинг фарқи ΔE нолга teng бўлгунча у ёки бу томонга силжитади. Реверсив двигатель реохорд R_p нинг қўзгалувчи кисми билан бир каторда унга мутаносиб равиша автомотик потенциометрнинг кўрсатувчи ва қайд килювчи кисмлари нинг қўзгалувчи элементларини ҳам силжитади.

Борди-ю, ҳарорати назорат қилинадиган жойнинг ҳарорати үзгарса, унга мутаносиб равиша иссиқлик үлчаш жуфтлигининг чиқишидаги ЭЮК ҳам, яъни үлчанадиган ЭЮК E_x нинг микдори ҳам үзгаради. Демак, ҳароратнинг үзгариши билан E_x ва E_{x_0} ЭЮК лар орасидаги тенглик бузилади ва яна ЭЮК лар фарқи ΔE пайдо бўлади. Бу ЭЮК ΔE ЎТК ёрдамида кучайтирилиб, реверсив двигатель РД га берилади. Реверсив двигатель РД яна реохорд R_p нинг қўзгалувчи кисмими то кўпrik тархининг чиқишидаги ЭЮК E_x үлчанаётган ЭЮК E_{x_0} га тенг бўлгунга қадар, яъни ΔE нолга teng бўлгунга қадар у ёки бу томонга силжитади. Үлчанадиган катъалик

ЮК E_x нинг миқдори ўзгарганда автоматик потенциометрнинг юкорида айтилган иш тартиби то $E_k = E_x$ яъни $\Delta E = 0$ бўлмагунча тақоролаиверади.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Хароратни ўлчаш учун қандай асбоблар ва ўлчаш ўзгарткичлари кўлланилади?
2. Иссиклик ўлчаш каршиликларининг қандай турлари бор?
3. Иссиклик ўлчаш каршиликлари учун қандай асбоблар ўлчаш исблоблари хисобланади ва нима учун?
4. Мис па платина симларидан ясалган иссилик ўлчаш каршиликли ўзгарткичлар қандай ўлчаш чегарасига эга?
5. Хароратни ўлчаш учун иссилик ўлчаш жуфтликларининг қандай турлари кўлланилади?
6. Қандай миқдорга эга бўлган харорат иссилик ўлчаш жуфтликлари ёрдамида ўлчаниди?
7. Иссиклик ўлчаш жуфтликлари учун иккиламчи ўлчаш асбоби сифатида қандай асбоблар ишлатилади?
8. Автоматик ўлчаш кўпригининг ишлаш асосларини ганириб беринг.
9. Автоматик потенциометрнинг ишлаш асосларини изохлаб беринг.
10. Автоматик ўлчаш кўприклари ва потенциометрларининг қандай тавсифи уларнинг ўлчовишунослик тавсифлари хисобланади?

Алабиётлар [1, 2, 6, 10, III].

IV БОБ

АМАЛИЙ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН ҚЕРАК БҮЛАДИГАН БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР

4.1. ХАЛҚАРО БИРЛИКЛАР ТИЗИМИ

Халқаро бирликлар тизими (ХБТ) энг қулай бўлғанлиги учун ҳам фан ва техниканинг барча соҳаларини ўз ичиғи олади. ХБТ да механик, иссиқлик, электр ва бошқа катталиклар ўзаро боғланган. ХБТ нинг асосий ва хосила бирликлари амалий ўлчашлар учун бафоят қулай. Шунинг учун ҳам ХБТ ҳозирги вактда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида, амалий мақсадда, шунингдек таълим соҳасида ҳам 1963 йил 1 январдан бошлаб кенг кўламда кўлланилмоқда. Шу боис корхоналарда ҳамма ўлчаш воситалари ХБТ бирликлари ва 8.417-81 Давлат андозаси талабларига жавоб берадиган даражада қилиб ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур андоза физик катталиклар бирликларининг халқаро тизими бирликларидан фойдаланишни жорий этди.

Халқаро бирликлар тизимидаги еттита асосий бирлик ва иккита қўшимча бирлик қабул қилинган.

Халқаро бирликлар тизимининг асосий бирликларига узунилк бирлиги — метр, масса бирлиги — килограмм, вакт бирлиги — секунд, ток кучи бирлиги — ампер, термодинамик иссиқлик (харорат) бирлиги — Кельвии, модда миқдори бирлиги — моль ва ёруғлик кучи бирлиги — кандела киради ва улар кўйнагича таърифлананди:

Метр — Криpton — 86 атомининг $2P_{10}$ ва $5d_5$ сатҳлари орасидаги ўтишга мос бўлган нурланишнинг ҳавоси сўриб олинган бўшлиқ (вакуум) даги тўлқин узунлигидан 1650763,73 марта катта бўлган узунлик 1 метр деб қабул қилинган.

Килограмм — Килограмм халқаро тимсолининг (пратотипининг) массаси 1 килограммдир.

Секунд — Цезний — 133 атоми асосий ҳолатининг икки ўта нозик сатҳлари орасидаги ўтишга мос бўлган нурланиш давридан 9192631770 марта катта вакт 1 секунд деб қабул қилинган.

Ампер — 1 ампер ток ҳавоси сүриб олинган бүшлик ини бир-биридан 1 м масофада жойлашган иккى паралель чексиз узун, лекин кесими жуда кичик бўлгани при ўтказгичдан ўтганда ўтказгичнинг хар бир метр ўилигига $2 \cdot 10^{-7}$ Н ўзаро таъсир кучини вужудга лтиради.

Кельвин — Сувининг учланма нуктасини тавсифлов-
и термодинамик ҳароратнинг $\frac{1}{273,16}$ улуши 1 кельвин деб
бул қилинган.

Моль — Углерод-12 нинг 0,012 кг массасидаги атом-
и сонига teng тузулма (структуравий) элемент (маса-
ни, атом, молекула ёки бошка зарра) лардан ташкил
онган турдаги моддапинг миқдори 1 моль деб қабул
қилинган.

Қандела — $540 \cdot 10^{12}$ Гц давртезликли монохроматик
урланиш чиқараётган маиба ёруғлигининг энергетик кучи
 $\frac{1 \text{ Вт}}{683 \text{ Ср}}$ бўлган йўналишдаги ёруғлик кучи 1 қандела (шам)
деб қабул қилинган.

Халқаро бирликлар тизимининг қўшимча бирликлари — эса ясси бурчак бирлиги — радиан ва фазовий бурчак
бирлиги — стерадиан киради ва улар куйидагича таъ-
нифланади.

Радиан — айланга узунлиги радиусига teng бўлган
иини ажратадиган иккى радиус орасидаги бурчак 1 радиан
деб қабул қилинган ($1 \text{ рад} = 57^{\circ}17'44,8''$).

Стерадиан — Учи шар марказида бўлган ва шу шар
нитидан шар радиусининг квадрати R^2 га teng юзли
нитни ажратувчи фазовий бурчак 1 стерадиан деб қабул
қилинган.

**Юкорида келтирилган халқаро бирликлар тизимининг
асосий ва қўшимча бирликлари ва уларнинг халқаро ва**
ўзбекча кисқача белгилари 4.1- жадвалда келтирилган.

Энди бирликларнинг улушлари ва карралари, уларнинг
шамалда кўлланишини кўриб чиқамиз. Халқаро бирликлар
тизими бирликларининг улушлари ва карралисини ҳосил
қилиш 8.417-81 Давлат андозаси асосида ХБТ бирликлари
10 нинг тегишли даражасига кўпайтириш йўли билан
шамалга оширилади, уларнинг номлари эса бирликларнинг
номлари олдида олд қўшимчани қўшиш натижасида
ҳосил қилинади. Бирликларнинг улушлари ва карралари
олд қўшимчаларининг номи халқаро ва ўзбекча белгилари,
уларнинг қайси тил ва сўзлардан келиб чикиши
1.2- жадвалда берилган.

Халкар о тизимдаги асосий күшимчалар

Тартиб реками	Катталик		Катталикнинг ўлчов бирлиги		
	номи	ўлчами	номи	халкар	белгиси
1	2	3	4	5	6
<i>I. Асосий бирликлар</i>					
1	Узунлик	1. метр	m	м	
2	Масса	M килограмм	kg	кг	
3	Вакт	T секунд	s	с	
4	Электр ток кучи	I ампер	A	А	
5	Термодинамик температура	Θ Кельвин	K	К	
6	Модда мидори	N моль	mol	мол	
7	Ергулук кучи	J кандала	cd	кд	
<i>II. Күшимчалар</i>					
1	Ясси бурчак	радиан	rad	рад	
2	Фазовий бурчак	стериадиан	Sr	ср	

Эслатма: Кельвин хароратидан (белгиси — K) ташкари, Цельсий (белгиси — ℃) хароратини күллашга рухсат этилади. Хароратлар фирмам Кельвин (K) да ёки Цельсий даражасида (°C) да ифодаланиши мумкин.

Улуш ва карралы бирликлар шундай қабул қилинадиги уларда катталиклар сон кийматларининг чегаралари 0,1 дан 1000 гача бўлиши керак. Масалан, $I = 5,5 \cdot 10^{-5}$ А электр ток кучи $I = 5,5 \cdot 10^{-5}$ А = 55 мкА = 0,055 мА = 55 000 нА куриннишларда ёзилиши мумкин, аммо булардан 55 мкА куриннишида ёзилганини олишга тўғри келади, чунки бошқа қолган куринниша ёзилганининг сон кийматлари кўрсатилган доирасига тўғри келмайди. Яна шуни айтиш керакки, бирликтини номига икки ёки уйдан ортиқ олд күшимчалар кўллаш мумкин эмас. Масалан, «микро-микроамперметр» дейиш мумкин эмас, балки $10^{-6} \times 10^{-6}$ А ни 10^{-12} А шаклига келтириб «пикоампер» деб аташ лозим. Умуман ХБТ бирлик белгиларини ёзиш тартиби 8.417—81 Давлат андозасидан жуда яхши берилган.

Юқорида қайд қилинган етти асосий бирликлар фойдаланиб, бошқа физик катталикларнинг ўлчов бирликлари ҳосил қилинади.

Үнга каррали ва улушки бирликларни ҳосил килишда фойдаланиладиган кўпайтувчила

ва олд күшимчалар

Кўпайтувчи	Кўпайтувчининг номи	Чанд күшимчалар				
		номи	такдизе	кайсан тилдаи	халкар	белгиси
1	2	3	4	5	6	7
10^{14}	квинтилион	экса	олти (марта дан) 10^3	юон	E	Э
10^{15}	квадрилион	пета	беш (марта дан) 10^3	—	P	П
10^{12}	трилион	тера	гоят кати жуда кати кatta	—	T	Т
10^9	миллиард	гига	минг	—	G	Г
10^6	миллион	мега	кило	—	M	М
10^3	минг	кило	минг	—	k	к
10^2	юз	геко	юз	—	h	г
10^1	ун	дека	ун	—	d	да
10^{-1}	ундан бир	дени	ун	лотин	d	да
10^{-2}	юздан бир	санти	юз	—	C	д
10^{-3}	мингдан бир	милли	минг	—	с	с
10^{-6}	миллиондан бир	микро	кичик	юон	μ	мк
10^{-9}	миллиарддан бир	нано	мнити	лотин	n	н
10^{-12}	триллиондан бир	пико	пикколо (кничина)	италиян	p	п
10^{-15}	квадрилион- дан бир	фемто	ун беш	дания	f	ф
10^{-18}	квинтилиондан бир	атто	ун сакки	—	a	а

Ўлчов бирлиги изланадётган физик катталик катиашган шундай ифодани танлаш лозимки, унда мазкур физик катталикларнинг ўлчов бирлиги маълум бўлсин. Масалан, электр зарядининг ўлчов бирлигини топиш учун куйнади и ифодадан фойдаланиш мумкин:

$$Q = I \cdot T. \quad (4.1)$$

бунда: I — электр токи, унинг ўлчов бирлиги ампер бўлиб, А ҳарфи билан белгиланади;

T — вакт, унинг ўлчов бирлиги кунд бўлиб, с ҳарфи билан белгиланади.

Бу ифоданинг ўнг томонидаги физик катталикларнинг ўлчов бирликларини кўямиз, яъни электр зарядининг ўлчов бирлиги:

$$[Q] = [I] \cdot [T] = I \cdot A \cdot T = I \text{ Кл.}$$

Мазкур ифода қуйнадагыча үқилади: Электр зарядининг үлчов бирлиги І Кулон.

Физик катталиктининг үлчами мазкур катталиктини асосий катталиклар билан қандай боғланганилигини күрсатади

4.1- жадвалининг учунда көлтирилган ҳарф лар асосий катталиклар үлчамининг белгисидир. Бишоба рин, ихтиёрий физик катталиктининг үлчамлиги мана шу етти ҳарф ёрдамида күрсатилади. Масалан, электр қаршилиги нинг үлчами кучланиш ток тарзida аникланади. Зеро кучли ток

ниш ва ток үлчамининг белгиларидан фойдаланиб, электр қаршилигининг үлчами учун $L^2MT^{-3}\cdot I^{-3}$ ни ҳосила қиласиз. Халқаро бирликлар тизимининг ҳосила бирликлари асосий бирликлар билан боғланишини ифодаловчи физик қонуниятларидан топилади. Бунда ўзгармас кўпай тувчи үлчамига эга эмас ва бирга тенг деб олиниши керак. Халқаро бирликлар тизимининг энг муҳим ҳосила бирликларидан бўлган электр ва магнит катталикларини ҳосила бирликлари 4.3- жадвалда көлтирилган.

Энди 4.3- жадвалда берилган ХБТининг электр ва магнит катталиклари учун берилган ҳосила бирликларининг таърифларини кўрамиз [7, 9].

1. Электр токи зичлигининг бирлиги ампернинг квадрат метрга нисбати бўлиб, у бир Ампер ток кучининг кўндалани кесим юзи 1 m^2 бўлган ўтказгичда бир текисда тақсимланишида ҳосил бўлган электр токи зичлигига тенг.

2. Электр токи чизиқли зичлигининг бирлиги ампернинг метрга нисбати бўлиб, у 1 A ток кучининг кенглиги 1 m бўлган юпка ўтказгич кесимидан бир текисда тақсимланишидан ҳосил бўлган электр токининг чизиқли зичлигига тенг.

3. Электр микдори (электр заряди) нинг бирлиги Кулон бўлиб, у 1 A ток кучининг ўтказгич кўндаланг кесими орқали 1 s вакт ичидаги ўтган электр микдорига тенг.

4. Электр зарядининг фазовий зичлиги бирлиги Кулоннинг куб метрга нисбати бўлиб, у 1 Kl га тенг зарядининг фазода 1 m^3 ҳажмида бир текисда тақсимланишидаги электр зарядининг фазовий зичлигига тенг.

5. Электр зарядининг сирт зичлиги бирлиги Кулоннинг квадрат метрга нисбати бўлиб, у юзаси 1 m^2 бўлган сирт бўйича 1 Kl га тенг зарядининг бир текисда тақсимланишидан ҳосил бўлган электр зарядининг сирт зичлигига тенг.

6. Кутбланганилик (кутбланиш) нинг бирлиги ҳам Кулоннинг метр квадратига нисбати билан ифодаланади.

7. Диполининг электр моментининг бирлиги Кулон кўпайган метр бўлиб, у хар қайсисининг заряди 1 Кл та генг бўлган ва бири иккинчисидан 1 м масофада жойлашган диполларнинг электр моментига тенг.

8. Электр силжишининг оқими бирлиги Кулон бўлиб, у ички бўшлиқ бўйлаб 1 Кл эркин зарядига эга бўлган ёник сирт орқали ҳосил килинган электр силжиш оқимига тенг.

9. Электр силжишининг бирлиги Кулоннинг квадрат метрга нисбати бўлиб, у кўндаланг кесими 1 m^2 юзи орқали ўтадиган электр силжиш оқими 1 Кл бўлган электр силжишга тенг.

10. Электр кучланишининг бирлиги вольт бўлиб, у кисмларидан 1 А ўзгармас ток кучи ўтгандага ва 1 Вт кувват сарфланадиган электр занжирининг кисмларидаги электр кучланишига тенг.

11, 12, 13. Электр потенциали, электр потенциаллар фарқи ва электр юритувчи куч бирликлари ҳам вольтларда ифодаланди.

14. Электр майдон кучланганлигининг бирлиги вольтнинг метрга нисбати бўлиб, у оралиги 1 м бўлган ва майдон кучланганлиги чизикларида жойлашган иккита пункта оралиғида 1 В потенциаллар фарқи ҳосил киладиган бир жинсли электр майдон кучланганлигига тенг.

15. Электр сифими бирлиги фарада бўлиб, у 1 Кл заряд конденсаторда 1 В кучланиш ҳосил киладиган конденсаторнинг электр сифимига тенг.

16. Мутлак диэлектрик сингдирувчанликнинг бирлиги фараданинг метрга нисбати бўлиб, у $1 \text{ В}/\text{м}$ кучланганликка эга бўлган электр майдони $1 \text{ Кл}/\text{м}^2$ электр силжиши ҳосил кила оладиган мутлак диэлектрик сингдирувчанликка тенг.

17. Электр доимилигининг бирлиги ҳам фараданинг метрга нисбати билан ифодаланади.

18. Электр қаршилигининг бирлиги Ом бўлиб, у ток кучи 1 А бўлган ўзгармас ток 1 В кучланишининг тушишига олиб келадиган электр занжир кисмидаги электр қаршилигига тенг.

19. Солиштирма электр қаршилигининг бирлиги Ом кўпайган метр бўлиб, у электр занжирининг бир хил моддадан тайёрланган узунлиги 1 м ва кўндаланг кесим юзи 1 m^2 бўлган кисмининг қаршилиги 1 Ом модданинг солиштирма қаршилигига тенг.

20. Электр ўтказувчанликнинг бирлиги сименс бўлиб, у 1 Ом қаршиликка эга бўлган электр занжир кисмининг электр ўтказувчанлигига тенг.

21. Солиштирма электр ўтказувчанлигининг бирлиги

Электр ва магнит катталикларининг хосила бирликлари

Тартиб рақамни	Катталик			Бирлик			Амалда кўлланиладиган бирликлар
	Номи	Ўлчами	Белгиси	Номи	Белгиси	Ҳалқаро	
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Электр токининг зичлиги	$L^{-2}I$	J	ампернинг метр квадратта нисбати	A/m^2	A/m^2	$MA/m^2, kA/m^2$ $A/m^2, A/mm^2$
2.	Электр токининг чизиқли зичлиги	$L^{-1}I$	A	ампернинг метрга нисбати	A/m	A/m	$kA/m, A/m, A/cm$
3.	Электр миқдори (Электр заряди)	IT	Q	Кулон	Kл	C	$kKл, Kл, мкKл,$ $нKл, пKл$
4.	Электр зарядининг фазовий зичлиги	$L^{-3}TI$	ρ	Кулоннинг куб метрга нисбати	$Kл/m^3$	C/m^3	$MKл/m^3, Kл/m^3$
5.	Электр зарядининг сирт зичлиги	$L^{-2}TI$	τ	Кулоннинг метр квадратга нисбати	$Kл/m^2$	C/m^2	$Kл/m^2, мKл/m^2$
6.	Қутбланинглик	$L^{-2}TI$	P	Кулоннинг метр квадратга нисбати	$Kл/m^2$	C/m^2	$Kл/m^2$
7.	Дипольнинг электр моменти	LTI	p_3	Кулон кўпайган метр	$Kл \cdot m$	$C \cdot m$	$Kл \cdot m$
8.	Электр сијажишининг оқими	TI	Ψ	Кулон	Kл	C	$kKл, Kл, мкKл$ $нKл, пKл$
9.	Электр силжиши	$L^{-2}TI$	D	Кулоннинг метр квадратга нисбати	$Kл/m^2$	C/m^2	$Kл/m^2, мKл/m^2$

10.	Электр кучланishi	$L^2MT^{-3}I^{-1}$	U	Вольт			мкВ, нВ
11.	Электр потенциали	$L^2MT^{-3}I^{-1}$	U	Вольт	B	V	ГВ, МВ, кВ, В, мВ, мкВ, нВ
12.	Электр потенциаллар фарқи	$L^2MT^{-3}I^{-1}$	U	Вольт	B	V	ГВ, МВ, кВ, В, мВ, мкВ, нВ
13.	Электр юритувчи куч	$\frac{L^2M}{T^3I}$	E	Вольт	B	V	ГВ, МВ, кВ, В, мВ; мкВ, нВ
14.	Электр майдон кучланганилиги	$\frac{LM}{T^3I}$	E	Вольтнинг метрга нисбати	B/m	V/m	$MB/m, kB/m, B/m,$ $MB/m, мкB/m, B/cm$
15.	Электр сиғими	$\frac{I^2T^4}{L^2M}$	C	Фарада	F	F	$\Phi, мк\Phi, н\Phi, п\Phi$
16.	Мутдақ диэлектрикнинг сингдирувчанилиги	$\frac{I^2T^4}{L^3M}$	ϵ_a	Фараданинг метрга нисбати	Φ/m	F/m	Φ/m
17.	Электр доимийлiği	$\frac{I^2T^4}{L^3M}$	ϵ_a	Фараданинг метрга нисбати	Φ/m	F/m	Φ/m
18.	Электр қаршилиги	$\frac{L^2M}{T^3I^2}$	R (фаол) X (реакт) Z (тұла)	Ом	$Ом$	Ω	$TOм, GOм, MOм, kOм, Oм,$ $мOм, мкOм$
19.	Солишинирилган электр қаршилиги	$\frac{L^3M}{T^3I^2}$	ρ	Ом кўпайган метр	$Ом \cdot m$	$\Omega \cdot m$	$GOм \cdot m, MOм \cdot m, kOм \cdot m,$ $Oм \cdot m, Oм см, мOм \cdot m,$ $мкOм \cdot m, нOм \cdot m$

1	2	3	4	5	6	7	8
20.	Электр ўтказувчанлыгы	$\frac{T^3 I^2}{L^2 M}$	G (фаол) B (реакт) Y (тұла)	Сименс	См	S	кСм, См, мСм
21.	Солишиниң электр ўтказувчанлыгы	$\frac{T^3 I^2}{L^2 M}$	γ	Сименснинг жетрия иисбати	См/м	S/m	МСм/м, кСм/м, См/м, мСм/м
22.	Магнит оқими	$\frac{L^2 M}{T^2 I}$	Φ	Вебер	В6	Wb	Вб, мВб
23.	Магнит индукцияси	$\frac{M}{T^2 I}$	B	Тесла	Tл	T	Tл, мТл, мкТл, нТл
24.	Магнит юритувчи күч	I	F(Fm)	Ампер	A	A	кА, А, мА
25.	Магнит потенциаллар фарқы	I	F(Fm)	Ампер	A	A	кА, А, мА
26.	Магнит майдонининг күчтәнгендеги	$\frac{I}{L}$	H	Ампернинг метрга иисбати	A/m	A/m	кА/м, А/м, А/мм
27.	Индуктивлик	$\frac{L^2 M}{T^2 I^2}$	L	Генри	Гн	H	Гн, мГн, мкГн, нГн, пГн
28.	Үзаро индуктивлик	$\frac{L^2 M}{T^2 I^2}$	M	Генри	Гн	H	Гн, мГн, мкГн, нГн, пГн
29.	Мутлақ магнит сингидеруучанлыгы	$\frac{I M}{T^2 I^2}$	μa	Генрининг метрга иисбати	Гн/m	H/m	Гн/m, мкГн/m, нГн/m
30.	Магнит доимийлігі	$\frac{I M}{T^2 I^2}$	μ	Генрининг метрга иисбати	Гн/m	E/m	Гн/m, мкГн/m, нГн/m

31.	Электр токининг магнит моменти	$L^2 I$	μ	Ампер күпайған метр квадрат	$A \cdot m^2$	$A \cdot m^2$	$A \cdot m^2$
32.	Дипольнинг магнит моменти	$L^2 I$	m	Ампер күпайған метр квадрат	$A \cdot m^2$	$A \cdot m^2$	$A \cdot m^2$
33.	Магнитланғанлык	$\frac{I}{L}$	H	Ампернинг метрга иисбати	A/m	A/m	кА/м, А/м, А/мм
34.	Магнит қаршилигі	$\frac{T^2 I^2}{L^2 M}$	Rm	Ампернинг веберга иисбати	$A/B6$ еки Гн $^{-1}$	A/Wb еки H $^{-1}$	Γn^{-1}
35.	Магнит ўтказувчанлыгы	$\frac{L^2 M}{T^2 I^2}$	A	Вебернинг амперга иисбати	Wb/A еки Гн	Wb/A еки H	Гн, мГн, мкГн, нГн пГн
36.	Электромагнит энергияси	$\frac{L^2 M}{T^2}$	W	Жоуль	J	J	кВт · с
37.	Фойдали құвват	$\frac{L^2 M}{T^3}$	P	Ватт	Bt	W	ГВт, МВт, кВт, Вт мВт, мәВт
38.	Реактив құвват	$\frac{L^2 M}{T^3}$	Q	Вар	Var	var	
39.	Тұла құвват	$\frac{L^2 M}{T^3}$	S	Вольт күпайған ампер	V · A	V · A	V · A

сименснинг метрга нисбати бўлиб, у электр занжириниң бир хил моддадан тайёрланган узунлиги 1 м ва кўндаш кесим юзи 1 m^2 кисмининг электр ўтказувчалиги 1 С бўлган модданинг солиштирма электр ўтказувчалиги тенг.

22. Магнит оқимишининг бирлиги вебер бўлиб, у то 0 гац камайиб 1 Ом каршиликка эга электр занжирига уланган симларнинг кўндаланг кесими орқали 1 Кл электр магнити шутишини таъминлайдиган магнит оқимига тенг.

23. Магнит индукциясининг бирлиги тесла бўлиб, у кўндаланг кесими 1 m^2 юза орқали ўтган оқими 1 Н бўлган магнит индукциясига тенг.

24. Магнит юритувчи кучнинг бирлиги ампер бўлиб, у 1 А ток кучига эга ўзгармас ток занжирни билан уланган ёник занжирдаги магнит юритувчи кучга тенг.

25. Магнит потенциаллари фарқи ҳам амперларди ифодаланади.

26. Магнит майдон кучланганинг бирлиги ампернинг метрга нисбати бўлиб, у $1/\pi$ А ток кучи ўтадиган ва бир текисда тақсимланган чулғами узун ғалтак (соленоид) марказидаги магнит майдон кучланганингига тенг, (бунда: $\pi = 3,14$ узунлиги 1 м бўлган ғалтак соленоид кисмидаги чулғам ўрамлар сони).

27. Индуктивлик бирлиги генри бўлиб, у ток кучи 1 А бўлганда 1 Вб га тенг магнит оқим вужудга келадиган электр занжирининг индуктивлигига тенг.

28. Ўзаро индуктивлик бирлеклари ҳам генриларда ифодаланади.

29. Мутлак магнит сингдирувчанинг бирлиги генрининг метрга нисбати бўлиб, у 1 A/m магнит майдон кучланганингидан 1 Тл магнит индукцияси вужудга келадиган мухитнинг мутлак магнит сингдирувчанингига тенг.

30. Магнит доимийлигининг бирлиги ҳам генрининг метрга нисбати билан ифодаланади.

31. Электр токи магнит моментининг бирлиги ампер купайган метр квадрат бўлиб, у текисликда ётган (жойлашган) 1 m^2 юзали контур орқали ўтадиган 1 А электр ток кучининг магнит моментига тенг.

32. Диполнинг магнит моменти ҳам ампер купайган метр квадратларда ифодаланади.

33. Магнитланганинг бирлиги ампернинг метрга нисбати бўлиб, у $1 \text{ A} \cdot \text{m}^2$ магнит моментига эга 1 m^3 ҳажмдаги модданинг магнитланганингига тенг.

34. Магнит каршилигининг бирлиги ампернинг веберга нисбати бўлиб, у 1 А магнит юритувчи кучда 1 Вб магнит

ими хосил буладиган магнит занжиришинг магнит
кашилигига тенг.

35. Магнит ўтказувчаникнинг бирлиги веберининг
шерга ишбати бўлиб, у 1 A/Vb магнит қаршиликли
магнит занжиришинг магнит ўтказувчаниллигига тенг.

36. Электромагнит энергиясининг бирлиги жоуль
либ, у 1 J ишга тенг (эквивалент) бўлган электро-
магнит энергияга тенг.

37. Фойдали кувватининг бирлиги ватт бўлиб, у 1 W
механик кувватга тенг (эквивалент) бўлган фойдали
куватга баравар.

38. Реактив кувватининг бирлиги вар бўлиб, у $\sin\phi = 1$,
ток кучи 1 A ва кучланиш 1 V бўлгандаги реактив кувватга
тенг.

39. Тўла кувватининг бирлиги вольт кўпайган ампер
бўлиб, у ток кучи 1 A ва кучланиши 1 V бўлгандаги тўла
куватга тенг.

4.2. ИССИКЛИКНИ УЛЧАШ ҚАРШИЛИК ВА ЖУФТЛИКЛАРИ ХАҚИДА ҚИСКАЧА МАЪЛУМОТЛАР

Ноэлектрик катталиклардан бири бўлган ҳароратларни
улчаш иссиқликларини улчаш қаршиликли ва жуфтликли
ўзгарткичлари ёрдамида электр асборлари билан амалга
оширилади.

Иссиқлик мувозанати шаронтида сим ҳарорати ҳамда
қаршилиги факат токка боғлиқ бўлмасдан, балки атроф-
даги мухитни белгиловчи физик катталикларга бевосита
тааллуқлидир. Шу боисдан ҳам иссиқлик улчаш қарши-
ликли ўзгарткичлардан ҳароратни улчашда фойдаланила-
ди. Улар асосан ҳарорат ўзгармас кўнайтувчи сим катта
бўлган симлардан ясалади. Сим пластмасса ёки слюда
асосга ўралиб, химоя кобигига жойлаштирилади. Бу
кобиклининг улчамлари билан шакли иссиқлик улчаш
қаршиликларини ишлатилиши шаронти ва вазифаларига
караб ҳар хил бўлади.

Иссиқлик улчаш қаршиликли ўзгарткичлар асосан
50 ёки 100 Омли килиб тайёрланади, бу ўзгарткичининг
қаршилик майдорининг ўзгаришига қараб, унинг ҳарорати
ҳамда уни ўраб турган мухит ҳароратлари аниқланади.
Бу ўзгарткичлар — 200°C дан то $+650^{\circ}\text{C}$ гача бўлган
ҳароратни улчашда кўплаб кўлланилади.

Иссиқлик улчаш жуфтлиги электр ўтказувчи ҳар хил
жинсли узаро уланган иккى кисмдан тузилган ҳарорат

(иссиклик) ўзгарткичи булиб, унинг ишлаши Зебон самарасига асосланган ўзгарткич қисмларининг кавшарланган учлари турли ҳароратларда бўлса, иссиклик ЭЮК вужудга келади. Бу ЭЮК нинг катталиги иссиклик ўлчаш жуфтлигининг кавшарланган учлари, яъни ишчи уч билан эркин учлари ўрнатилган жойларининг ҳарорат фарқига хамда ўтказгични ясаш учун ишлатилипо моддаларнинг табиятига боғлик бўлади.

Иссиклик ўлчаш жуфтликлари тайёрланган ҳар мисим жуфтликлари улар қўлланиладиган ҳароратини катта-кичиклигига Караб қўйидаги кўринишда қўлланилиди: 300°C гача бўлган ҳароратларни ўлчаш учун мис константан жуфтликлари қўлланилса, 800°C гача бўлган ҳароратларни ўлчаш учун темир — копель ёки хромель копель жуфтликлари ишлатилади. 1300°C гача ҳароратларни ўлчаш учун хромель-алюмелъ жуфтликлари қўлланса, 1600°C гача бўлган ҳароратларни ўлчаш учун эса платина (ок олтин) — платинародий жуфтликларидаи фойдаланилади. 1800°C гача бўлган ҳароратларни ўлчаш учун платина — родий жуфтликлари қўлланилади.

Иссиклик жуфтликлар котишмаларинин таркиби, масалан, копель 56,5 % Си – 43,5 % Ni; хромель 90 % Ni + 10 % Cr, алюмелъ 1 % Si + 2 % Al + 17 % Fe + 2 % Mn + 78 % Ni, бўлган моддалардан тайёрланган симлар жуфтлигидан иборатdir. Бу иссиклик ўлчаш жуфтликларини механик шикастланиш ва ҳар хил салбий таъсир этадиган ҳаво ва моддалардан саклаш учун улар жез, пулат, чинни ёки бошқа моддалардан ясалган ҳимоя гиофларига жойлаштирилади.

Демак, иссиклик ўлчаш жуфтликлари бир-бирларидан, биринчидан, улар тайёрланган электродларнинг моддалари билан фарқланса, иккинчидан, ўлчаш чегарасининг ҳар хиллиги билан ҳам ўзаро тафовут этиши юкоридаги баёндан ҳам кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам хозирги вактда хромель-копелли (ХК) хромель-алюмелли (ХА), платинародий — платинали (ПП — 1), платино-родийли (ПР — 30/6) ва бошқа турдаги иссиклик ўлчаш жуфтликлари ишлаб чиқарилмоқда. Булар ҳалк ҳўжалигининг ҳамма соҳаларида ҳароратларни ўлчашда кенг миёсда қўлланилмоқда.

Эслатма: Ушбу қўлланманинг ҳажми чекланганлиги учун унда иссиклик ўлчаш каршиликлари ва иссиклик ўлчаш жуфтликларининг даражаланишига оид жадваллар келтирилмади.

АДАБИЁТЛАР

1. Алукер Ш. М. «Практикум по электрическим измерениям», М., «Колос», 1969, 216 с. ил.
2. Ахаров Н. А. «Автоматик ростлаш ва назорат килиш истемаларининг контактсиз компенсацияловчи ўзгарткичлари». Т., «Ўқитувчи», 1987. 224 б.
3. Ахаров Н. А. «Бесконтактные автокомпенсационные преобразователи». Учебное пособие часть I Ташкент, 1979. 100 с.
4. Ахаров Н. А. «Бесконтактные преобразователи электрических и неэлектрических величин». Учебное пособие, Ташкент, 1985. 80 с.
5. Бурдун Г. Д., Марков Б. Н. «Основы метрологии» М.: Изд-во стандартов, 1975. 336 с 1985. 256 с. ил.
6. Кравцов А. В., Рыбинский Ю. В. «Электрические измерения». — М.: «Колос», 1979. 351 с.
7. Олейникова Л. Д. «Единицы физических величин в энергетике» Точность воспроизведения и передачи: Справочное пособие.— М.: «Энергоатомиздат», 1983. 232 с.
8. «Основы метрологии и электрические измерения». Под редакцией Е. М. Душина. Л.: «Энергоатомиздат». Ленинград. отделение, 1987. 480 с.
9. Тюрин Н. И. «Выдение в метрологию». Учебное пособие.— М.: Изд-во стандартов, 1985, 248 с.
10. «Электрические измерения». Под редакцией А. В. Фремке и Е. М. Душина Л.: «Энергия». Ленинградское отделение, 1980. 392 с.
11. «Электрические измерения неэлектрических величин». Под редакцией П. В. Новикого. Л.: «Энергия», 1975, 576 с.
12. «Справочник по электроизмерительным приборам». Под редакцией К. К. Илюхина Л., «Энергия», 1973. 704 с.

МУНДАРИЖА

Кириш

I б о б. Үлчовшунослик асослари ва электр үлчашлар түгрисида умумий маълумотлар

- 1.1. Асосий қонда ва тушунчалар
- 1.2. Электр үлчаш асбобларининг тасиғи
- 1.3. Үлчаш воситаларининг үлчовшунослик тавсифи
- 1.4. ЭЎА ларининг шартли белгилари

II б о б. Амалий ишларини бажариш ва уларнинг хисоботларини расмийлаш қондалари

- 2.1. Электр үлчаш ижодхоналарида ишлаш қондалари
- 2.2. Техника хавфензилиги қондалари
- 2.3. Электр токи билан шикастланганда кўрсатиладиган биринчи ёрдам чоралари
- 2.4. Амалий ишларини бажаришда қўлланиладиган кўшимчачи курилмаларни таълаш
- 2.5. Амалий ишининг тархини йигинидан олдин килинадиган бъязи ишлар
- 2.6. Амалий ишлари бўйича электр тарҳларини йигиши
- 2.7. Амалий ишлари бўйича хисоботлар тайёрлаш

III б о б. Амалий ишлар ва уларнинг услубий кўргазмалари

- 3.1. 1- Амалий иш. Амперметр, вольтметр ва ваттметрларини донмийликларни аниклаш ва уларни кўллаш
- 3.2 2- Амалий иш. Үлчовшунослик тавсифларини аниклаш учун ҳар хил тизимдаги амперметр ва вольтметрларни текшириш
- 3.3. 3- Амалий иш. Электр катталикларини үлчаш натижаларини үлчовшунослик бўйича ишлаш
- 3.4. 4- Амалий иш. Электр каршиликларини ўзгармас токда үлчаш
- 3.5. 5- Амалий иш. Бевосита баҳолаш асбоблари ва ўзгарувчи ток үлчаш кўприклари ёрдамида сигим, индуктивлик ва ўзаро индуктивликларни үлчаш

6- Амалий иш. Электрон иурли осциллографларини ўрганиш ва үлчаш ишларида уләрни кўллаш	118
7- Амалий иш. Бир фазали индукцион электр хисоблагичини текшириш ва ўзгарувчан ток занжирларидаги электр энергияларини үлчаш	134
8- Амалий иш. Бир ва уч фазали ўзгарувчан ток занжирларидаги фойдали қувватларни үлчаш	143
9- Амалий иш. Ўзгармас магнит майдонининг магнит катталикларини үлчаш	155
10- Амалий иш. Магнит моддасининг динамик тавсифини аниклаш	166
11- Амалий иш. Электромагнит турилаги ўзgartкичлар ёрдамида чизикли ва бурчакли силжишларни үлчаш	177
12- Амалий иш. Автоматик үлчаш кўпргиши ва потенциометрлар ёрдамида ҳароратни үлчаш	191

IV б о б. Амалий ишларини бажариш учун керак бўладиган баъзи маълумотлар

4.1. Халкаро бирликлар тизими	208
4.2. Иссикликни үлчаш каршилик ва жуфтликлари хакида кисқача маълумотлар	219
Ладибнётлар	221

Нуғман Аҳроров

**ПРАКТИЧЕСКИЕ РАБОТЫ ПО ОСНОВАМ МЕТРОЛОГИИ
И ЭЛЕКТИЧЕСКИХ ИЗМЕРЕНИЙ**

На узбекском языке

Издательство «Узбекистон» — 1994, 700 129, Ташкент, Навои, 30.

Мухаррир М. Шарипов
Бадний мухаррир И. Кученкова
Техник мухаррир С. Собирова
Мусахих М. Мажидхужаева

Теришга берилди 22.03. 93. Босишга руҳсат этилди 25.11. 93. Формати $84 \times 108^{1/32}$. «Литератур-
ная» гарнитурда юкори босма усулида босилди. Шартли бос. л. 11,76. Нашр. л. 12,14. Тиражи
5000. Зөказ № 449/Бахоси шартнома асосида.

«Узбекистон» нашриети, 700129, Ташкент, Навоий кӯчаси, 30. Нашр № 197—92.
Узбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси ижарадаги Тршилонграфкомбинатидан
териб,
“Узгипроэсм” Картфабрикасида босилиди. Ташкент, Муқимий кӯчаси, 182.